

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВ ТОҲИРЖОН ОЛИМЖОНОВИЧ

**МОДА ИНДУСТРИЯСИНИ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ
АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.11 – Маркетинг

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера та диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
economic sciences**

Махмудов Тоҳиржон Олимжонович

Мода индустриясини маркетинг стратегиялари асосида ривожлантириш.....5

Махмудов Тоҳиржон Олимжонович

Развитие индустрии моды на основе маркетинговых стратегий.....25

Maxmudov Tokhirjon Olimjonovich

Development of the fashion industry based on marketing strategies.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВ ТОҲИРЖОН ОЛИМЖОНОВИЧ

**МОДА ИНДУСТРИЯСИНИ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ
АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.11 – Маркетинг

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Iqt1036 ракам билан
рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган мухандислик технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Акрамов Тохир Абурахмонович
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Эргашходжаева Шахноза Джасуровна
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Ахмедов Икром Акрамович
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Диссертация химояси Тошкент давлат иктисодиёт университети хузуридаги
илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020 J16.02 раками Илмий кенгашнинг 2022 йил
«10 02» куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066,
Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23;
e-mail: tdiu@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иктисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида
танишиш мумкин (21 раками билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-75; факс: (99871) 239-28-75.

Диссертация автореферати 2022 йил «26 01» куни тарқатилди.
(2022 йил «26 01» даги 7 ракамли реестр баённомаси).



М.П. Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Д.М. Мавлянова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, и.ф.ф.д.

Ш.Дж. Эргашходжаева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш кошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Жаҳонда тикув-трикотаж маҳсулотлари бозори мода индустриясида яратилаётган янги дизайнда либослар натижасида тобора ўзгариб, ривожланиб бормоқда. 2019 йилда жаҳон тикув-трикотаж ва пойабзал бозори қиймати 1,9 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, мода бозори 35,8 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган. 2020 йилга келиб, COVID-19 билан боғлиқ коронавирус пандемияси ҳолати натижасида тикув-трикотаж ва пойабзал бозори ҳажми 1,1 фоизга ошган бўлса-да, мода бозорининг қиймати пасайиб, 31,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этган¹. Шу боис, жаҳон тикув-трикотаж корхоналари бозор фаолиятини ривожлантиришда истиқболли мода йўналишларини излаб топиш, асосий даромадли сегментларини аниқлаш, мода бозоридаги товар маркалари ва брендларини шакллантириш ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда тўқимачилик, тикув-трикотаж корхоналари бозоридаги моданинг ўзгарувчан даврийлик тенденцияларига мослашувини таъминловчи товар стратегияси, истеъмолчилар сегментларининг модага муносабатини аниқлаш, брендлар рақобатбардошлигини ошириш, «мода-дизайн» марказларининг фаолиятини самарали ташкил этиш борасида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда тикув-трикотаж маҳсулотлари модаси, унинг ривожланиш қонуниятлари, мода индустриясини ривожлантиришда мерчендайзинг, PR, брендинг, рақамли маркетинг стратегияларини қўллаш асосий йўналишлар ҳисобланади. Тикув-трикотаж маҳсулотлари мода бозорининг ривожланиш тенденцияси натижасида юзага келувчи рақобат курашида устунликни таъминлашга қаратилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш борасидаги илмий тадқиқотларни амалга оширишга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда тўқимачилик, тикув-трикотаж маҳсулотлари мода бозорини тадқиқ қилиш, юқори сифатли тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспортини кенгайтириш, миллий брендларни жаҳон бозорларига илгари суриш, илфор инновацион технологиялар, ноу-хау, дизайнерлик ишланмаларини кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатда кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жаҳоннинг илфор мамлакатлари билан рақобатлаша олувчи брендлар яратиш, жумладан, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга кўра, мамлакатда мода индустриясини ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини яратиш, тўқимачилик, тикув-трикотаж саноати учун зарур мода-дизайн хизматларини

¹<https://www.statista.com/topics/5091/apparel-market-worldwide/> ва <https://fashionunited.com/global-fashion-industry-statistics/>

жорий этиш, мазкур тармоқ тараққиёти ва рақобатбардошлигини ошириш масалаларини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4453-сон қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мода индустриясини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш борасида хорижий олимлардан С.Гале, Ж.Каур, Т.Хайнс, М.Брюс, Ф.Уэбстер, С.Миннет, М.Еасей, С.Валбарн, Э.Стон, М.Раймонд, М.Лу, Л.Б.Лессона, Г.Фрингс² ва бошқа олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Улар томонидан яратилган назарияларда мода индустриясининг асосий хусусиятлари, уни маркетинг стратегиялари асосида ривожлантиришга хос стратегик ёндашувлар таклиф этилган.

Бу соҳада МДҲ олимларидан А.А.Балашов, Е.А.Аброзе, Д.Ю.Десятниченко, О.Ю.Десятниченко, М.О.Килошенко, А.Б.Гофман, С.В.Шишло, И.А.Седых, С.Р.Атаяр ва Р.С.Ходжян³ сингари олимлар илмий

² Gale C, Kaur J. “Fashion and Textile an Overview” Berg publisher. 2004, 256 б.; Хайнс Т, Брюс М. Маркетинг в индустрии моды. Гревцов Паблишер. 2009. 416 б.; Уэбстер Ф. Основы промышленного маркетинга. Перевод с англ. – М.: изд. дом Гребенникова, 2005.446 б.; Миннет С. Промышленный маркетинг: новый подход к решению маркетинговых задач.: Пер.с.англ. – М.: Вильямс, 2003,-208 б; Easey, M., Fashion marketing. Third edition. Blackwell Publishing. 2009; Walbran S. Shanty Town Seamstresses Fuel the Fashion Industry. www. changemakers. net/journal/02june/walbran.cfm. - 2002.; Stone E. The Dynamics of Fashion - New York: Fairchild Publications, 2000.; Raymond M. The making of a trend Fashion Marketing: Contemporary Issues T. Hines M. Bruce (eds). - Oxford: Butterworth- Heinemann, 2001; Lu M. High-tech textiles coming into fashion M. http://publish.gio.gov.tw/FCJ/past/02101881.html. - 2002.; Lessona L.B. fashion Houses, Missoni / www.made-in-italy.com/fashion_houses/missoni/intro.htm. - 2003.; Frings G. Fashion: from Concept to Consumer Englewood Cliifs, NJ : Prentice HaN. 2001.

³ Балашов А.А. Маркетинг модных товаров: На примере одежды. Диссертации. – Москва, 2004.; Аброзе Е.А, Индустрия моды в условиях глобализации культуры. Диссертации. – Санкт-Петербург, 2006.; Десятниченко Д.Ю., Десятниченко О.Ю. Теоретические аспекты формирования стратегии развития сферы рекреации и туризма в регионе. // Управленческое консультирование. – 2016. №4 (88). 150-157.; Килошенко М. Психология моды: учеб. пособие - 2-е изд., испр. – М.: ОНИКС, 2006.; Гофман А.Б. Мода и люди. Новая теория моды и модного поведения. 5-е изд. – М.: Книжный Дом «Университет», 2013.; Гофман А.Б.Моды социология .// Современная западная социология. Словарь. – М.: Политиздат, 1990.; Гофман А.Б. Мода и

тадқиқотлар олиб борганлар. Мазкур тадқиқотларда модалар бозорининг хусусияти, мода маркетинги назарияси, тўқимачилик, тикув-трикотаж маҳсулотлари модасининг ўзига хос жиҳатлари, унинг ижтимоий хусусиятлари, товарлар брендини шакллантириш ва брендинг стратегияларини ишлаб чиқишининг илмий-назарий жиҳатлари ёритилган бўлса-да, тикув-трикотаж маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда мода маркетингининг аҳамияти тўлақонли ёритиб берилмаган.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан М.С.Қосимова, М.Р.Болтабаев, А.Солиев, А.А.Фаттоҳов, А.Ш.Бекмурадов, Ш.Дж.Эргашходжаева, З.А.Хакимов, Н.М.Муминова⁴ ва бошқалар тикув-трикотаж корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда брендингнинг аҳамияти бўйича тадқиқотлар олиб борганлар. Республикализ олимлари замонавий маркетинг назариясини янги маълумотлар билан бойитиб, рақобатбардошликини бошқариш муаммоларини илмий таҳлил қилиш билан боғлиқ бир қатор масалаларни ҳал этишга эришганлар. Тикув-трикотаж маҳсулотлари модаси, миллий либосларларнинг аҳамияти, товарлар рекламаси ва дизайнни бўйича Д.Рахматуллаева, У.М.Ходжаева, Ф.Атаханова, Н.Садикова, Г.Каримова ва Х.Х.Камиловалар⁵ томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Юқоридаги олимларнинг тадқиқотлари, концептуал ёндашувлари муҳим илмий ҳамда услубий манба ҳисобланади. Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, мода индустряси маркетинг стратегиялари асосида ривожлантиришнинг концептуал масалалари, модалар бозорининг шаклланиш хусусиятлари ва унда инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш масалаларига етарлича эътибор берилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Наманган муҳандислик технология институти илмий тадқиқот ишлари режаси бўйича А-2-70-сон ««Текстил кластери» инновацион моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш» мавзусидаги амалий лойиҳага мувофиқ бажарилган.

люди. Новая теория моды и модного поведения. – СПб., 2015. - 228 б.; Шишло С.В, Андросик Ю.Н. Стратегический маркетинг. – Минск: БГТУ, 2017. –174 б; Седых И.А. Индустря моды, Националный исследовательский университет Высшая школа экономики. – М. 2020; Атаяр С.Р., Ходжян Р.С. Маркетинговые стратегии в индустрии моды // Современные научные исследования и инновации. 2016. № 11 [Электронный ресурс]. URL: <http://web.snauka.ru/issues/2016/11/74280> (дата обращения: 3.09.2018).

⁴ Солиев А.С. Маркетинг. Бозоршунослик. Дарслик. – Т., 2010; Икрамов М.А., Эргашходжаева Ш.Дж, Адылова З.Д., Нематов И.У. Управление брендом. Ўкув кўлланма. – Т. Иқтисодиёт, 2019 йил 305 б; Бекмурадов А.Ш. ва бошқалар. Стратегик маркетинг. – Т. ТДИУ, 2010; Болтабаев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. – Т. Фан, 2004; Хакимов З. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш. ТДИУ. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. 2018. 149 б.; Муминова Н.М. Тўқимачилик маҳсулотлари савдосида маркетингни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари. Монография. Т 2018.160 б.

⁵ Рахматуллаева Д. Костюм ва мода тарихи ўкув кўлланма. – Т., 2017. 216 б.; Рахматуллаева Д, Ходжаева У, Атаханова Ф. Либос тарихи. Дарслик. – Т., 2015.336 б ; Sadikova N. O'zbek milliy kiyimlari: XIX–XX asrlar. – Т., 2006.315 б; Каримова Г., Камилова Х. Реклама ва дизайн. Дарслик. – Т., 2012. - 264 б.

Тадқиқотнинг мақсади мода индустриясини маркетинг стратегиялари асосида ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мода маркетинги тушунчасининг моҳияти ва унинг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш;

мода индустриясини ривожлантиришда маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича эмпирик тадқиқотларни тизимлаштириш;

Ўзбекистонда модалар бозорининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш асосида муаммоларни аниқлаш;

мамлакат модалар бозорида истеъмолчилар сегментининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

мода индустриясини ривожлантиришда рақамли маркетинг стратегиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

мода индустриясини ривожлантиришда илғор давлатлар тажрибасидан фойдаланишнинг мамлакатимизга мос жиҳатларини ишлаб чиқиш;

мода индустриясини ривожлантиришда брэндинг стратегиясидан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш;

«мода-дизайн» марказларининг маркетинг фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

мода индустриясини маркетинг стратегиялари асосида ривожлантириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибиغا кирувчи тикув ва трикотаж корхоналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети мода индустриясини маркетинг стратегиялари асосида ривожлантириш жараёнларидағи ижтимоий-иктисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида илмий абстракция, тизимли таҳлил, эксперт баҳолаш, синтез, таққослаш, статистик таҳлил, анкета сўровлари ўтказиш ва таҳлил этиш, график талқин, корреляцион таҳлил, дискриминант таҳлил, ER таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

тикув-трикотаж корхоналарининг мода бозоридаги ўзгарувчан даврийлик тенденцияларига мослашувчанлигини таъминловчи ва истеъмолчиларнинг имижини шакллантирувчи маркетингнинг товар стратегияси таклиф этилган;

мода товарлари харидини кенгайтириш, тикув-трикотаж маҳсулотлари модасига кўра истеъмолчиларнинг ижтимоий қатлами бўйича оммалашувини таъминлашда паст даромадли қатламдан юқори даромадли элита қатламига ўтиши асосланган;

«Ideal», «Fratellicas», «Imir» корхона брендларининг ижтимоий тармоқлардаги фаоллигининг самарадорлик даражасини «паст» – 0<ER>100, «ўрта» – 100<ER>500 ва «юқори» – 500<ER> шкалалари асосида баҳолаш таклиф этилган;

маҳаллий ҳокимият органлари ташкилий тузилмаси таркибида либослар

модаси ва брендини танитувчи «мода-дизайн» марказини ташкил этиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуидагилардан иборат:

тикув-трикотаж маҳсулотлари модасининг истеъмолчиларнинг турли сегменти ва гурухлари бўйича оммалашувини таъминловчи диффузия модели ишлаб чиқилган;

тикув-трикотаж маҳсулотлари бозоридаги ҳаётийлик даврида бренд стратегиясини амалга ошириш йўллари ишлаб чиқилган;

модани тарғиб қилишда рақамли маркетинг стратегиясини амалга оширишда SMMдан фойдаланиш имкониятлари аниқланган;

модалар бозорида истеъмолчиларнинг сегмент хусусиятларини аниқлашнинг маркетинг тадқиқотлари дискриминант таҳлил усули асосида такомиллаштирилган;

мода-дизайн марказларининг ташкилий тузилмаси ва маркетинг фаолиятини амалга ошириш модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг таникли иқтисодчи олимларнинг модалар маркетинги стратегиясини шакллантириш хусусидаги илмий-назарий фикрлари қиёсий ва танқидий таҳлил қилгани, илгор хориж тажрибаси ўрганилиб, умумлаштирилгани, ахборотлар базасининг миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларидан олингандиги, ўтказилган сўровномалар кенг қамровдаги респондентлар доирасида ўтказилгани, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларидан фойдаланилгани, шунингдек, олинган натижаларнинг амалиётда қўллангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти истеъмолчиларнинг модага муносабатига таъсир қилувчи омиллар тизимини шакллантириш ҳамда улардан келгусида тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхоналар маркетинг фаолиятини ривожлантиришга бағишлиланган маҳсус стратегик дастурларни ишлаб чиқиша фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни республикамиз мода индустрясини ривожлантиришда уларнинг маркетинг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмууни ишлаб чиқиш, ташки бозорларга йўналтирилган маркетинг стратегияларини такомиллаштиришда қўллаш мумкинлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларидан «Фашион менежмент ва маркетинг», «Маркетинг тадқиқотлари» фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мода индустрясини маркетинг стратегиялари асосида ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тикув-трикотаж корхоналарининг бозордаги модани ўзгарувчан даврийлик тенденцияларига мослашувчанлигини таъминловчи ва

истеъмолчиларнинг имижини шакллантирувчи маркетингнинг товар стратегиясидан фойдаланиш бўйича таклиф «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 5 октябрдаги «Fashion Inkubator Tashkent» лойиҳасини амалга ошириш бўйича қарорида ўз аксини топган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 7 октябрдаги 04/19-2819-сон маълумотномаси). Натижада, «Istiqlol Tekstil Dizayn» МЧЖнинг янги дизайндаги товарлари савдоси 10 фоизга, «Tekstil Libos» МЧЖнинг маҳсулотлари савдоси 5,7 фоизга ошган;

мода товарлари харидини кенгайтириш, тикув-трикотаж маҳсулотлари модасига кўра истеъмолчиларнинг ижтимоий қатлами бўйича оммалашувини таъминлашда паст даромадли қатламдан юқори даромадли элита қатламига ўтиши «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 5 октябрдаги «Fashion Inkubator Tashkent» лойиҳасини амалга ошириш бўйича қарорида ўз аксини топган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 7 октябрдаги 04/19-2819-сон маълумотномаси). Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш натижасида 2021 йилда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо «Istiqlol Tekstil Dizayn» МЧЖ истеъмолчиларининг элита қатламида шаклланган ассортимент таркибида 10 дан ортиқ маҳсулот турлари, «Tekstil Libos» МЧЖ ва «Imron Textile Group» ХКларда эса 15 дан ортиқ маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва истеъмол бозори кенгайтиришга эришилган;

«Ideal», «Fratellicasa», «Imir» корхона брендларининг ижтимоий тармоқлардаги фаоллигининг самарадорлик даражасини «паст» – 0<ER>100, «ўрта» – 100<ER>500 ва «юқори» – 500<ER> шкалалари асосида баҳолаш таклифи «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо «Tekstil Libos» МЧЖ, «Imron Textile Group» ХК ҳамда «Istiqlol Tekstil Dizayn» МЧЖлар фаолиятида қўлланилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 7 октябрдаги 04/19-2819-сон маълумотномаси). Натижада 2021 йилда «Istiqlol Tekstil Dizayn» МЧЖнинг ижтимоий тармоқдаги маҳсулотларининг реклама намойиши 15 фоизга, ижтимоий тармоқ блок аъзолар сони 30 фоизга, савдоси ҳажми 27 фоизга ошган, «Ideal» брендига истеъмолчиларнинг содиқлик даражаси 25 фоизга ошган. «Tekstil Libos» МЧЖнинг ижтимоий тармоқдаги маҳсулотлар савдоси 18 фоизга, блок аъзолар сони 21 фоизга ҳамда «Imron Textile Group» ХКнинг ижтимоий тармоқдаги маҳсулотлари reklama самарадорлиги 15 фоизга, тармоқ блок аъзолар сони 17 фоизга ошган;

маҳаллий ҳокимият органлари ташкилий тузилмаси таркибида либослар модаси ва брендини танитувчи «мода-дизайн» марказини ташкил этиш таклифи Наманган вилояти ҳокимининг 2019 йил 4 февралдаги «вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик обьектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида уларга техник технологик, инжиниринг, мода-дизайн, реклама ва консалтинг хизматларини кўрсатиш тўғрисида»ги 53-сонли қарорида ўз аксини топган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси Наманган вилояти филиалининг 2021 йил 5 майдаги НВ-39-сон маълумотномаси). Илмий янгиликларни амалиётга жорий этиш натижасида «Istiqlol Tekstil

Dizayn» ҳамда «Tekstil Libos» масъулияти чекланган жамиятларининг савдо ва «Шоурум» майдонлари ташкил этилган. 2021 йилда кўргазма майдонига 100 дан ортиқ либослар жойлаштирилди, «Istiqlol Tekstil Dizayn» МЧЖнинг «Ideal» брендининг қиймати 1,8 фоизга, «Tekstil Libos» МЧЖнинг «Imir» брендиде қиймати 2,9 фоизга ошган.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Мазкур тадқиқот натижалари асосида 4 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъruzалар тайёрланган ва аprobациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган Республика илмий журналларида 6 та илмий мақола, хорижий журналларда 3 та илмий мақола ва 12 та маъруза тезиси чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 166 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқот мавзусининг илмий ишлар режалари билан алоқадорлиги кўрсатилган, диссертациянинг илмий янгилиги, илмий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиғи, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар берилган. Шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган.


Диссертациянинг **«Мода индустрясини маркетинг стратегиялари асосида ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида модалар маркетинги тушунчаси иқтисодий категория сифатида атрофлича тадқиқ этилиб, мода индустрясининг ривожланиш қонуниятлари, модалар бозорида маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг асосий босқичлари ва технологиялари, асосий турлари таснифланган. Мода индустрясини ривожлантиришда илфор мамлакатлар тажрибаси ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Мода индустряси саноат, сиёсат, маданият ва шу каби соҳаларнинг тараққиёти натижасида юзага келган. Мода тушунчасини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қўллаш мумкин. Ижтимоий жиҳатдан «мода» атамаси маълум бир вақтда муайян ижтимоий муҳитда устун турувчи маданиятнинг ўзига хос шаклидир. Иқтисодий жиҳатдан эса мода жамиятнинг ижтимоий-маданий омиллар натижасида товар ва хизматларнинг маълум бир вақт оралиғидаги савдosi ва истеъмоли ошишини акс эттирувчи тушунчадир. Моданинг энг муҳим хусусияти унинг янгиланиб, алмасиб туриши ва вақтинчалик хусусиятга эга эканлиги ҳисобланади.

Мода маркетинги эса бозорда истеъмоли оммалашаётган товар ва хизматларни яратиш, ишлаб чиқариш ва унинг савдосини ташкил этиш, шунингдек, истеъмолчининг харидигача бўлган товар оқими ҳамда брендини бошқариш жараёнидаги муносабатлари мажмуудир. Мода индустрияси – тўқимачилик, тикув-трикотаж, пойабзal, заргарлик ва бошқа саноат тармоқлари учун хизмат кўрсатувчи соҳа бўлиб, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, маҳсулотни оммалаштириш, брендини яратиш, дизайнини ишлаб чиқиш ва истеъмолчига етказиб бериш билан шуғулланади.

Муаллифнинг фикрича, мода индустриясида маркетинг стратегияси бозорда тўқимачилик, тикув-трикотаж ва бошқа саноат корхоналарининг брендини ривожлантириш ва истеъмолчилар муносабатини шакллантиришда самарали усул ҳисобланиб, товарни оммалаштиришга қаратилган маркетинг воситалари тўплами сифатида ўрганилади. Мода индустриясида маркетинг стратегияларини қўллаш даражаси кўп ҳолларда товарларнинг оммавий истеъмолини шакллантириш, бозорни сегментлаш ва маҳсулотни бозорда самарали жойлаштириш ҳамда брендини ривожлантириш билан белгиланади.

Харидорнинг маҳсулотга муносабатини эътиборга олган ҳолда, унга талабни ўрганиш ва прогнозлаш маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Тикув-трикотаж маҳсулотларининг ассортименти оммалашуви ва модага айланишига қаратилган стратегияни белгилашда бир қатор муҳим омилларга таяниш талаб этилади.



1-расм. Тикув- трикотаж маҳсулотлари модасини шаклланиши ва ривожланишининг динамик модели⁶

Шунга асосан, моданинг шаклланиши ва ривожланишининг операцион жараёнини 1-расмга кўра ифодалаш мақсадга мувофиқ. Т – товарнинг оммавийлашув даври, N – савдода мавжуд мода товарлари ва уларнинг хусусиятлари, S – истиқболда таклиф этиладиган истеъмоли оммалашган товарлар ассортименти.


Мавсум бошланиши ва жорий даврдаги моданинг ўзгариш тенденциялари таҳлили орқали S кийимларнинг модали товарлар тўпламини шакллантириш асосий масала сифатида ўрганилади, бу жараён модали

⁶ Муаллиф ишланмаси.

товарларнинг таркибий ёки мавсумий ўзгариш хусусиятларини таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Тикув-трикотаж маҳсулотларининг бозордаги моданинг ўзгарувчан даврийлик тенденцияларига мослашувчанлигини таъминловчи истеъмолчилар онгиди имижни шакллантиришда маркетингнинг товар стратегиясидан фойдаланиш ўзига хос образ яратишнинг энг самарали усулдир. Корхоналар истеъмолчиларнинг модага муносабатини шакллантиришда тикув-трикотаж, пойабзал, соч турмаги ва бошқаларнинг 3 та таркибий қисмдан иборат бирикмаси (устки кийим-бош, оёқ) савдо майдончалари ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилади. Бу жараёнда корхона маҳсулотларига истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ранг, силуэт, шакл ва брендлар уйғунлиги асосида талабга айланади.

Мода диффузиясининг кучи – товарларнинг бозорларда тарқалиш тезлиги ва кўламида акс этади. Бошланғич босқичда секин ва кам сонли сегментларга тарқалади. Чунки мода 2-расмда акс этган пирамидага асосан нуфузли истеъмолчилар гуруҳига диффузия ҳодисаси асосида тарқалади. Кейинчалик қуи поғоналарга ўтиб, оммавий сегментда акс этади. Бу жараёнда услугуб, ранг, силуэт элементлари уйғунлашиб боради.




2-расм. Мода шакллари ва уни қабул қилувчи истеъмолчилар гурухининг ўзаро боғлиқлик пирамидаси⁷

Мода бозорида янги кийим модели жамиятнинг аксарият қисмидан фарқланувчи ва ижтимоий-иктисодий (оммавий, этник, маданий омиллар) жиҳатидан пирамиданинг пастки қисмига томон тарқалади. Моданинг ўзгаришларини қабул қилмайдиган ва «трендда» бўлишда модага амал қилмайдиган қуи синф вакиллари мода ғояларининг муқобил манбай сифатида хизмат қиласидилар (2-расмдаги моделнинг 1-босқичи). Шунинг учун, мода тенденциясининг элементлари 2-босқич билан ифодаланган мода пирамиданинг пастки қисмидан келиб чиқади ва юқори қисмига ўтиб бориш асосида ривожланади ва юқори қатламларда диффузияга учрайди.

⁷ Field.G.A.The status float phenomenon:The upward diffusion of innovation.Business Horizons, 1970. 46 б.

Таклиф этилган истеъмолчиларнинг ижтимоий пирамидасида диффузия мавжуд бўлиб, «тақлид қилиш услуби» маркетинг орқали амалга оширилади ва «паст даромадли қатлам» томонидан қабул қилинади. Мазкур босқичда Веблен ва Кинг томонидан таклиф этилган «trickle-down» моделига биноан юқори даромадли қатламдан мода қуий қатламга қараб оммалашиб боради. Нуфузли мода истеъмолчилари томонидан кашф этилган услублар жамиятнинг барча қатламларига кириб боради ва товарларга талаб ошади. 2-3-расмдаги турли таъсир этувчи омиллар асосида истеъмолчилар гурухи ўртасида мода пирамидасининг юқори қисмидаги бренд ғоялари асосида «оммавий услуг» шаклланади. Кейинчалик қуий қатлам томонидан энг афзал кўрилган услуг хусусияти бўйича мода қабул қилинади ва оммалашади.

Муаллиф томонидан истеъмолчиларнинг қуий қатламларида шаклланган ва одатга айланган кийиниши услуби даромади юқори бўлган сегментларга маркетинг воситалари орқали кириб бориши аниqlанган. Мода диффузиясининг тескари ҳаракати «trickle-up» назариясига асосланади



3-расм. Тиқув-трикотаж маҳсулотлари модасининг диффузион хусусиятини таъминловчи маркетинг стратегиялари⁸

Истеъмолчиларнинг қуий қатламлари томонидан қабул қилинган, кийимнинг оммалашган услублари замонавий стандартларга мувофиқ, оралиқ синфлар ва сегментларни четлаб ўтиб, маълум ўзгартиришлар билан юқори даромадли қатламларга услуг ва силуэт асосида кириб боради. Жамиятнинг юқори ва қуий қатламларнинг даромади ва маданияти орасидаги фарқлар яқинлашиб бориши, интернет-ахборот технологияларининг ривожланиши моданинг қуидан юқорига қараб тарқалишини (trickle-up) тезлаштиради.

Паст даромадли ижтимоий гурухлар юқори қатлам модасини тақлид қилиш орқали янги мақомга эга бўлишга интилса, юқори даромадлилар эса қуий қатламдан ўзларини фарқлаш учун услуг ва силуэтни сақлаб қолган ҳолда янги модани қабул қиласидилар. Бу модалар бозорининг чексиз ўзгаришлар циклини келтириб чиқаради ва товарлар диффузиясини таъминлайди. Мазкур динамика туфайли дастлаб маҳсулот элита

⁸ Муаллиф ишланмаси.

қатламларда юқори нархда сотилади, вақт ўтиши билан, модали товарлар нархи пасайиб боради.

Тикув-трикотаж маҳсулотлари модасига қўра, либосларнинг истеъмолчиларнинг ижтимоий қатлами бўйича оммалашувини таъминлашда паст даромадли қатламдан юқори даромадли элита қатламига ўтишни тезлаштиришга қаратилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш корхоналар томонидан яратилаётган ҳар бир ассортимент диффузиясини тезлаштириш имконини беради.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда модалар бозорини ривожлантиришда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда модалар бозорини ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган. Тикув-трикотаж маҳсулотлари модасига мижозлар муносабатини шакллантирувчи омиллар тизимлаштирилган. Таҳлиллар тикув-трикотаж корхоналарида маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича муаммоларни аниқлаш имконини берган.

Ўзбек халқининг ўзига хос кийиниш маданияти шаклланган бўлиб, мода индустриясининг ривожланиши узоқ тарихий йўлни босиб ўтган. XXI асргача бўлган даврда мода саноати савдо ва маданий алоқалар асосида шаклланган бўлса, кейинги даврларда маркетинг коммуникацияси асосида ривожланди. Ўзбекистонда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш мустақилликдан кейинги даврда дастлаб оддий дизайн ва мураккаб бўлмаган тор ассортиментли бўлиб, 2000 йилдан сўнг уларнинг хилларини кенгайтириш ва мода-дизайн тадбирларини ташкил этиш йўналишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон мода индустриясини ривожлантиришда ўзбек ва қардош халқларнинг маънавий мероси, миллый урф-одатларини тиклаш, таниқли жамоат, маданият арбобларининг ижодий салоҳиятини ошириш, ёш истеъодод ва ҳунармандлар сулолаларини қўллаб-қувватлаш асосий омил бўлган. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда кўплаб мамлакатнинг дизайнерлари билан ҳамкорликда мода ҳафталиклари ўтказиб келинмоқда. Дизайнерлар ва либослар конструкторларини тайёрлаш мақсадида 2019 йилда Франциянинг мода академияси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.


Мамлакат тўқимачилик, тикув-трикотаж корхоналарининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва рақобатбардошлигини таъминлаш, уларга мода-дизайн, реклама ҳамда консалтинг хизматларини кўрсатиш мақсадида 2021 йилда «Ўзтўқимачиликсаноат» ўюшмаси, «Шарқ либослари» дизайн маркази ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан «Тошкент мода инкубатори»ни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Маҳаллий брендларни халқаро даражага олиб чиқиш, жаҳон мода индустрияси ривожланган мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш асосий стратегик йўналиш сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон мода индустрияси ривожланишидаги ўзига хос жиҳатларни аниқлаш мақсадида маркетинг тадқиқотлари олиб бориш талаб этилади. Чунки

истеъмолчиларнинг модага муносабатини баҳолаш бўйича мамлакат олимлари томонидан тадқиқотлар деярли олиб борилмаган.

Мода индустриясининг ривожланиш омилларини аниқлаш ва стратегик йўналишларни белгилаш мақсадида <https://docs.google.com/forms/> платформаси орқали ва «Абу сахий», «Бек барака», Наманган буюм бозорлари ҳамда «Анор» модалар уйида 1016 нафар истеъмолчи орасида ижтимоий сўровнома ўtkazilgan. Респондентлар 5 та сегмент: ёши, жинси, яшаш жойи, касби ва даромад даражаси бўйича ажратилган. Олинган натижага кўра, кийим хусусияти бўйича истеъмолчилар муносабатининг 50,2 фоизи маҳсулот сифатига, 13 фоизи модага хослигига, 10,7 фоизи табиий матолардан иборатлигига, 8,8 фоизи ноёблигига аҳамият бериши аниқланди. Респондентларнинг 78,5 фоизи бозорлардан, 36,8 фоизи «бутик», яъни маҳсус савдо дўконларидан товарлар харид қилиши аниқланган. Респондентларнинг 61,6 фоизи ижтимоий тармоқ ва телеграм мессенжерида, 31,7 фоизи «Instagram», 8,7 фоизи «Facebook»да модага оид кийим-кечаклар каналларига аъзолиги аниқланган.

Истеъмолчиларнинг 26,7 фоизи модага мос либослар кийишлари ва уларни харид қилишларига сабаб бўлувчи кўнгилочар тадбирлар (тўй, концерт)ни жуда юқори баҳолашлари аниқланган. Таҳлил натижалари истеъмолчиларнинг мода товарларига муносабатини ижтимоий тармоқлардан модага оид маълумотларни олишлари, шунингдек, кўнгилочар тадбирлар учун мода товарларини харид қилишлари орқали шаклланиши аниқланган (4-расм).



4-расм. Истеъмолчиларнинг модали товарлар харид қилишига тасири этувчи омиллар⁹ (фоизда)

Истеъмолчиларнинг либослар рангига муносабатини ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқотга кўра, респондентлар оқ ранг, қора ранг ва баъзилари кўк рангни асосий мезон сифатида танлаганлар. Бу эса

⁹ Муаллифнинг маркетинг тадқиқотлари натижалари асосида тузилган

мамлакатнинг табиий иқлими ва шаклланган исломий маданият асосида шаклланганлигини асослайди. Маркетинг тадқиқотлари натижалари истеъмолчиларнинг мода маҳсулотларига талабини шакллантирувчи муҳим омилларни аниқлаш ва сегментлар бўйича стратегик қарорлар қабул қилиш имконини берган.

Респондентларнинг мода маҳсулотларига талабларини аниқлаш борасида анкета сўровномалари бўйича йиғилган бирламчи ахборотлар 724 истеъмолчилар маълумотлари SPSS 22 Statistics дастурий пакетидан фойдаланиб таҳлил қилинган. Истеъмолчиларнинг танланган омиллар бўйича сифат ўзгаришларига қай даражада боғлиқлиги бўйича дискриминант таҳлил ўтказилган. Маркетингда дискриминант таҳлил ўтказишдан мақсад истеъмолчиларнинг касби, ёши, жинси, даромади, яшаш жойи сегментларининг модани қабул қилишларига таъсир кўрсатувчи омилларнинг фарқли ва ўхшаш жиҳатларини аниқлашдан иборат. Сегмент хусусиятлари қўйидаги омиллар асосида аниқланган:

модага мос кийимларга қизиқиш даражаси (X_1);

либослар дизайнига қизиқиш даражаси (X_2);

санъат, кўнгилочар тадбирларга боришда модали кийимларни аҳамият даражаси (X_3);

жамиятда обрў-эътиборга эга бўлишда кийиниш имижи ва брендни баҳоланиши (X_4);

модали кийимлар харид қилишга маблағ сарфлаш даражаси (X_5).

Анкета саволларидан намуналар олиш учун натижалар SPSS Statistics дастурининг «KMO and Bartlett's test of sphericity» модули асосида Альфа Кромбаҳо (α) мақсадга мувофиқлиги текширилади. КМО қийматлари 0,56 дан 1 гача бўлган қийматга эришганда танланган қаторларнинг мувофиқ ёки номувофиқлик даражасини кўрсатиб беради. Кромбаҳо Альфа тести натижалари (алфа=0,727) бўйича намуна учун кузатилганда 5 та мустақил ўзгарувчини қабул қилиш мумкинлиги тасдиқланган.

Дискриминант таҳлилда танланган ўзгарувчиларнинг статистик аҳамиятлилигини баҳоловчи тестлар ўтказиш талаб этилади. Wilks' Lambda статистикаси қиймати [0,1] оралиғида ўзгаради ва каноник дискриминантнинг функция қиймати текширилади. F критерий $df1 = 5$ ва $df2 = 724$ кузатувларда «p-value»нинг 0,05 қиймати асосида қабул қилинади. Белгиланган боғлиқ ўзгарувчига таъсир этувчи танланган омилларнинг функционал боғланиши қай даражада эканлиги ва мультиколлинеарлик муаммосини ҳал этиш учун корреляцион муносабатлар текширилган. Омиллар ўртасида корреляцион боғланиш нолга яқин қийматларни қабул қилиб, мультиколлинеарлик муаммоси кузатилмади, ўзгарувчилар бўйича натижаларни модель учун қабул қилиш асосли эканлиги тасдиқланган.

Истеъмолчиларнинг модага муносабати касби, ёши, жинси, даромади ва маълумот даражаларига боғлиқ ҳамда юқори таъсирга эга эканлигини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадқиқот натижаси 1-жадвалда акс этган.

1-жадвал

Истеъмолчилар сегментининг модали маҳсулотларига талабини шакллантирувчи омилларнинг аҳамиятлилиги¹⁰

| Дискриминант таҳлил бўйича гипотеза | Сегмент мезонлари | Дисперсия, % | Таъсири доираси | Гипотеза |
|--|--|--------------|-----------------|---------------|
| Истеъмолчиларнинг мода маҳсулотларига муносабатида уларнинг касб фаолиятига нисбатан фарқлари мавжуд ва кучли таъсирга эга | 22 касбдаги истеъмолчилар | 56 % | Ўрта | Қабул қилинди |
| Истеъмолчиларнинг мода маҳсулотларига муносабатида уларнинг малака даражасига нисбатан фарқлар мавжуд ва кучли таъсирга эга | тутатилмаган, ўрта, ўрта маҳсус касбхунар таълими, олий ва олий таълимдан кейинги таълим | 35 % | Паст | Рад этилди |
| Истеъмолчиларнинг мода маҳсулотларига муносабатида уларнинг яшаш худудига нисбатан фарқлар мавжуд ва кучли таъсирга эга | шаҳарда яшовчилар ва қишлоқда яшовчилар | 79,1% | Ўрта | Қабул қилинди |
| Истеъмолчиларнинг мода маҳсулотларига муносабатида уларнинг жинсига (аёл ва эркак) нисбатан фарқлар мавжуд ва кучли таъсирга эга | эркак ва аёл | 100 % | Юкори | Қабул қилинди |
| Истеъмолчиларнинг мода маҳсулотларига муносабати уларнинг даромад даражасига боғлиқ ва юқори таъсир даражасига эга | Энг паст, паст, ўрта, юқори ва энг юқори | 84,7% | Юкори | Қабул қилинди |
| Истеъмолчиларнинг мода маҳсулотларига муносабати уларнинг ёшига боғлиқ ва юқори таъсирга эга | Истеъмолчиларнинг ёши: 12-19, 20-34, 35-49, 50-64 | 75,2% | Юкори | Қабул қилинди |

Амалга оширилган дискриминант таҳлил натижалари аёл ва эркак истеъмолчиларнинг модага қизиқиш даражаси, санъат ва кўнгилочар тадбирларга эстетик жиҳатдан кийимларнинг аҳамият даражаси ўзаро яқинлиги ва 20-34 ёшдаги истеъмолчиларнинг мода маҳсулотларига қизиқиш даражаси бошқа ёшдагиларга нисбатан юқорилиги аниқланган. Истеъмолчиларнинг мода маҳсулотларига муносабати уларнинг даромад даражасига ҳам боғлиқ бўлиб, юқори даромадга эришган сари жамиятда обрў-эътиборга эга бўлишда кийиниш имижини юқори баҳолашлари аниқланган.

Диссертациянинг «Мода индустрияси ривожланишининг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиши йўллари» деб номланган учинчи бобида мода индустриясини ривожлантиришда рақамли маркетинг стратегияси, брэндинг стратегиясидан фойдаланиш йўллари, мода-дизайн марказлари маркетинг фаолиятини ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Мода бозорини ривожлантириш, истеъмолчиларнинг мода маҳсулотларига муносабатини шакллантиришда рақамли маркетинг стратегияларидан фойдаланиш рақобатда устунликка эришишда асосий йўналиш ҳисобланади. Замонавий рақамли маркетингнинг асосий стратегияларидан бири ижтимоий тармоқлар маркетинги (SMM) ҳисобланади. Корхонанинг ижтимоий тармоқдаги нашрларининг самарадорлик кўрсаткичи ER (фаоллик даражаси) орқали, куйидаги формула асосида ҳисобланади:

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.

$$ER = \frac{\text{interactions}}{\text{followers}} \times 100 \%, \quad (1)$$

бу ерда: followers – ҳисоб қайдномасидаги обуначилар сони; Interactions – истеъмолчиларнинг ижтимоий каналдаги нашрларга муносабати «Like» босишлари, сақлашлар, билдирилган фикрлари сони.

Корхона бренд қийматини оширишда, уни танитишда ижтимоий тармоқ орқали истеъмолчилар билан муносабат ўрнатиш муҳим ҳисобланади. Корхона Instagram, Facebook каби ижтимоий тармоқларда нашрларига обуначи ва фойдаланувчилар баҳоси уни бренд қийматини шаклланишига таъсир этади. Муаллиф фикрича, корхонанинг ижтимоий тармоқдаги самарадорлик даражаси (ER) қийматини («паст» – $0 < ER < 100$, «ўрта» – $100 < ER < 500$ ва «юқори» – $500 < ER$) шкалалари орқали баҳолаш маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши имконияти мавжуд. Шунингдек, ортиқча контентлар ва истеъмолчилар жавоб реакцияси салбий бўлишининг олдини олади.

Маҳаллий мода брендларининг «Instagram» ижтимоий тармоқдаги ER қиймати аниқлагандага энг катта кўрсаткичи «Fratelli Di Stile Family Enterprise» хусусий корхонасига тўғри келди. Корхона ўз нашрларида модельерлар билан ҳамкорликни самараали йўлга қўйганлиги, маҳсулотларида ўзига хос услугуб, юқори дизайн мавжудлиги ER қиймати юқори бўлиши имконини берган (2-жадвал).

2-жадвал

Тикув-трикотаж корхоналарнинг ижтимоий тармоқдаги фаолияти самарадорлигининг ER кўрсаткичи¹¹


| Кўрсаткичлар | Ўлчов бир. | «Istiqlol tekstil dizayn» МЧЖ | | | «Fratelli Di Stile Family Enterprise» ХК | | | «Imron textile» ХК | | |
